

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АЛИДЖАНОВ ХОДЖИАКБАР КАШИПОВИЧ

**БРАХИОЦЕФАЛ АРТЕРИЯЛАРНИНГ КЎПЛАБ АТЕРОСКЛЕРОТИК
ЗАРАРЛАНИШЛАРИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ЖАРРОХЛИК ДАВОСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.34 – Юрак-қон томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Алиджанов Ходжиакбар Кашипович

Брахиоцефал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик зарарланишларини таъхислаш ва жаррохлик давосини такомиллаштириш 3

Алиджанов Ходжиакбар Кашипович

Совершенствование диагностики и хирургического лечения множественных атеросклеротических поражений брахиоцефальных артерий 29

Alidjanov Xodjiakbar Kashipovich

Improving the diagnosis and surgical treatment of multiple atherosclerotic lesions of the brachiocephalic arteries 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 59

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АЛИДЖАНОВ ХОДЖИАКБАР КАШИПОВИЧ

**БРАХИОЦЕФАЛ АРТЕРИЯЛАРНИНГ КЎПЛАБ АТЕРОСКЛЕРОТИК
ЗАРАРЛАНИШЛАРИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ЖАРРОХЛИК ДАВОСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.34 – Юрак-қон томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Tib446-рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Каримов Шавкат Ибрагимович тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик
Расмий оппонентлар:	Затевахин Игорь Иванович тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик Бахритдинов Фазлитдин Шамситдинович тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдурахманов Маъмур Мустафаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Жанубий Урал давлат тиббиёт университети” Федерал давлат бюджет олий таълим муассасаси

Диссертация ҳимояси Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йули 10-ўй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Докторлик диссертацияси билан Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (157-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йули 10-ўй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Р.А. Ибадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Юрак-қон томир касалликлари ҳақли равишда XXI аср эпидемияси деб аталади: сўнгги ўн йилликларда айнан улар дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўлим ва ногиронлик кўпайишининг асосий сабабчисига айланди. Дарҳақиқат, “2019 йилда дунёда 18,56 миллионга яқин одам ушбу муаммодан вафот этди ва прогнозларга кўра, ушбу касалликларнинг умумий ўлим структурасидаги улуши фақатгина ошиб боради”¹. Юрак-қон томир патологиясидан ўлимнинг структурасида цереброваскуляр касалликлар тахминан 41,1% ни ташкил қилади. Шу билан бирга, барча инсультларнинг 80 фоизи ишемик хусусиятга эга. Статистик маълумотларга кўра, “сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳар йили 60 мингга яқин инсульт ҳолатлари қайд этилади, бу ҳар 100 минг аҳолига 164 тани ташкил этади”². Биринчи пайдо бўлган инсультдан кейин беморларда бош мия қон айланишининг ўткир бузилиши (БМҚАЎБ) такрорланиш хавфи 9 барабар ва миокард инфаркти, шу жумладан тўсатдан юрак ўлими хавфи 2-3 барабар ортади. Ишемик генезли БМҚАЎБ ривожланишида етакчи роль брахиоцефал артерияларнинг атеросклеротик зарарланишларига берилади. Брахиоцефал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик зарарланишлари ташхисотини такомиллаштириш, атеросклерозни даволашга янги ёндашувлар ушбу патология ҳақидаги стандарт ғояларни ўзгартирди. Ҳозиргача брахиоцефал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик зарарланишлари бўлган, айниқса бош миянинг ишемияга нисбатан паст ва критик бардошлилиги бўлган беморларни даволаш тактикаси бўйича мунозаралар тўхтамади, бундай беморларни даволашда ягона ёндашув мавжуд эмас, бу нафақат клиника тажрибаси билан, балки муассасанинг жиҳозланиши ва таъминланганлик даражаси билан ҳам боғлиқ. Шу муносабат билан, брахиоцефал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик зарарланишлари бўлган беморларни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган эрта ташхислаш ва хирургик аралашувларнинг тактик ва техник жиҳатларини янада такомиллаштириш, айниқса долзарб бўлиб қолмоқда.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда уйқу ва коронар артерияларда атеросклеротик зарарланишлар ривожланишининг патогенезини, шу жумладан, гиперлипидемиянинг турли қон томир ўзанларида атеросклеротик жараённинг тарқалишига таъсирини ўрганишга қаратилган бир қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Уйқу артерияларининг атеросклеротик ўзгаришларида БМҚАЎБ нинг юзага келишини ўрганишга қаратилган, нафақат гемодинамиканинг бузилишига олиб келувчи, балки пилакчага ўткир қон қуйилиши, парчаланувчи пилакча материалларининг қон томир бўлимларининг янада қуйи қисмида жойлашган қисми эмболизацияси жараёнларини морфологик жиҳатдан ўрганишга қаратилган тадқиқотлар

¹World Health Organization. Technical package for cardiovascular disease management in primary health care. WHO, 2021 Edition. https://www.who.int/cardiovascular_diseases/publications/en.

²Маджидова Ё.Н. Стандарты ведения больных в остром периоде инсульта // Материалы Российско-Узбекского неврологического форума «Экстренная помощь при инсульте и вопросы реабилитации». Ташкент-Фергана, 7-10 июня 2019 года.

долзарб бўлиб қолмоқда. Шу жумладан, олинган маълумотларни клиник аҳамиятини таъкидловчи, асоратларни келгусида шаклланиш эҳтимоллилигини башорат қилиш учун қўлланиши мумкин бўлган оралик босқичда ривожланиши кузатилган уйқу қон томирлар атеросклеротик пилакчаларининг морфологик ўзига хосликларини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам кўламини кенгайтириш, профилактика, диагностика ва хирургик даволаш тактикасининг замонавий тамойилларини жорий этиш орқали экстракраниал артерияларнинг атеросклеротик зарарланиши билан оғриган беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирларни ўз ичига олади. Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда етти устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган³. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, беморларни ташрихдан аввалги даврда бош миянинг ишемияга чидамлилигини, хирургик аралашувнинг тури, босқичлари ва реконструктив хирургик амалиёти муддатини аниқлаш орқали брахиоцефал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик зарарланиши бўлган беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилаш, ушбу патологиянинг юқори клиник аҳамияти сабаб ангиохирургиянинг ва умуман олганда, тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон «Хирургия хизматини трансморфация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2022 йил 26 январдаги ПҚ-103-сон «Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Брахиоцефал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик зарарланиши билан оғриган беморларда диагностика ва хирургик даволаш тактикаси натижаларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг кўплаб етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртлари, шу жумладан Department of Vascular Surgery, Leicester Royal Infirmary (Leicester,

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги «2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони. Қонун ҳужжатлари тўплами.

United Kingdom); Department of Vascular Surgery, St Thomas' Hospital, Westminster Bridge Road (London, United Kingdom); West China Hospital of Sichuan University (Chengdu, China); Department of Cardiology, University of Tor Vergata (Rome, Italy); Department of Cardiology, Motol University Hospital, 2nd Medical School, Charles University (Prague, Czech Republic); Department of Vascular Surgery, Royal Perth Hospital (Western Australia, Australia); Department of Surgery, Western Sydney University School of Medicine (Sydney, Australia); Mayo Clinic (Rochester, USA); Asan Medical Center, University of Ulsan College of Medicine (Seoul, Korea); Centre Hospitalier Universit aire Sainte-Justine (Montreal, Canada); «А.В.Вишневский номидаги хирургия миллий тиббиёт тадқиқот маркази» ФДБМ (Москва, Россия); Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази (Ўзбекистон); Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон); Республика ихтисослаштирилган хирургик ангионеврология маркази (Ўзбекистон), Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилган.

Брахиоцефал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик зарарланишлари диагностикаси ва беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилаш бўйича бутун дунё бўйлаб олиб борилган тадқиқотлар натижасида турли хил ечимлар таклиф қилинди, жумладан: «гибридли тасвир» (МСКТ ва ПЭТ; МСКТ ва ягона фотонли эмиссион компьютер томографияси) бир сессияда икки турдаги тасвирни амалга ошириш имконини бериши аниқланди (Department of Vascular Surgery, Leicester Royal Infirmary, Leicester, United Kingdom); каротид стентлаш натижалари каротид эндартерэктомия натижалари билан таққослаш мумкин бўлган муқобиллиги кўп марказли рандомизацияланган клиник тадқиқотлар билан исботланди (Department of Cardiology, Motol University Hospital, 2nd Medical School, Charles University, Prague, Czech Republic); брахиоцефал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик зарарланишларини хирургик даволаш тактикаси масаласи долзарб эканлиги ва операцияларнинг тактикаси, босқичлари ва ҳажми бўйича аниқ тавсиялар йўқлиги аниқланди, бу эса ушбу муаммони янада жиддий ўрганишни талаб қилади, хусусан, ҳар бир ҳолатда ёндашув индивидуал бўлиши ва шикастланиш даражаси, шунингдек, ҳар бир клиниканинг тажрибасига асосланган бўлиши керак (Asan Medical Center, University of Ulsan College of Medicine, Seoul, Korea).

Айни пайтда дунёда брахиоцефал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик зарарланишлари бўлган беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилаш бўйича тадқиқотлар давом эттирилмоқда. Беморлар ушбу контингентининг барқарор ўсиши, терапевтик тактикага ёндашувларнинг ноаниқлиги ва бош миянинг ишемияга нисбатан паст ва критик толерантлиги бўлган беморларни даволашда қониқарсиз натижалар ушбу патологиянинг клиник жиҳатларини мукамал ўрганиш зарурлигини белгилайди. Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, турли муаллифлар томонидан тақдим этилган маълумотлар иқлими, экологияси, турмуш тарзи ва менталитети билан фарқ қилувчи дунёнинг турли минтақаларида беморларни даволашга асосланган. Ушбу клиник жиҳатлар

бўйича кейинги тадқиқотлар, замонавий диагностика усулларининг пайдо бўлиши, хирургияда янги эндоваскуляр технологиялар, каротид ва вертебробазилар ҳавзалар патологиясининг замонавий концепцияси, шубҳасиз, брахиоцефал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик зарарланишларида даволаш муаммосини ангиохирургиянинг замонавий босқичи янги позициялари нуктаи назаридан ўрганиш имконини беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда дунёда каротид эндартерэктомия бажарилиш частотаси бўйича коронар артериялар реваскуляризацияси аралашувидан кейин туради. Latacz P.нинг фикрига кўра⁴, «каротид артерияларнинг атеросклеротик зарарланишларида хирургик даволаш тактикасини қўллаш масаласи шубҳа туғдирмайди, аммо атеросклерознинг мультифокал хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, бугунги кунда бир нечта артериал ҳавзаларнинг зарарланиши ҳолатларида реваскуляризация тактикаси ва босқичлари ҳақида фаол мунозаралар олиб борилмоқда». Шу билан бирга, брахиоцефал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик зарарланишларида хирургик тактика ва босқичлари масаласи ҳам мунозарали ҳисобланади. «Брахиоцефал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик зарарланишларини хирургик даволаш натижалари изоляцияланган стенозлардан фарқ қилади, чунки уйқу артериялари кўп ёки тандем каротид стенозининг ўзи оператив амалиёт салбий оқибатларининг мустақил предиктори бўлиб ҳисобланади» (Lee H.J.⁵). Кўплаб муаллифлар «уйқу артериялари ва вертебрал артерияларнинг кўплаб критик атеросклеротик зарарланишлари бўлган беморлар хирургик хавф юқори бўлган беморлар когортасини ташкил этади» деган фикрни маъқуллашади⁶. Критик кўплаб стеноз бўлган беморларда операциядан кейинги умумий ўлим даражаси 1,2 дан 3,7% гача ташкил этади. 72-95% ҳолларда ташрихдан кейинги ўлим сабаби интраоператив инсульт ҳисобланади. «Шу нуктаи назардан, хирургик амалиёт босқичларини аниқлашда бош мия гемодинамикаси ва бош миянинг перфузион захираси ҳолатини баҳолаш жуда муҳимдир» (Rismanchi M.⁷).

Ҳозирги вақтда брахиоцефал артерияларнинг кўп стенозли зарарланишларида хирургик тактикага бағишланган бир нечта тадқиқотлар мавжуд ва уларнинг аксарияти фақат алоҳида клиник ҳолатларни тавсифлашга бағишланган. Шу билан бирга, цереброваскуляр захирани операциядан олдин текшириш ва интраоператив нейромониторинг брахиоцефал артериялар хирургиясидаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бош мия

⁴Latacz P., Simka M., Popiela T., Kazibudzki M., Mrowiecki T. Early results of endovascular treatment of patients with bilateral stenoses of the internal carotid arteries using proximal protection systems at 30-day follow-up // *Neurol Neurochir Pol.* 2017 Sep - Oct; 51(5): 375-381.

⁵ Lee H.J., Chang F.C., Luo C.B., Guo W.Y. Influence of stenting with open-cell stents vs close-cell stents on the outcomes of patients with bilateral carotid stenosis // *J. Chin Med Assoc.* 2019 Jan;82(1):66-71.

⁶Cherniavskii M.A., Gusev A.A., Chernova D.V., Iarkov I.V., Gordeev M.L. Staged treatment of a multilevel lesion of brachiocephalic arteries in combination with coronary and valvular pathology of the heart // *Angiol Sosud Khir.* 2018;24(2):165-170.

⁷Rismanchi M., Borhani-Haghighi A. Comparison of Clinical and Radiological Outcome of Carotid Angioplasty and Stenting after Direct Navigation Versus Exchange Methods: A Randomized Clinical Trial // *J. Vasc Interv Neurol.* 2017 Dec;9(6):45-50.

ишемик касалликларининг кечишини башорат қилиш ва каротид эндартерэктомия хирургик амалиёти учун беморларни танлаб олишда брахиоцефал артериялар зарарланишининг морфологик манзарасига эмас, балки цереброваскуляр резервнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларга кўпроқ асосланилади⁸. Цереброваскуляр захирани ва интраоператив нейромониторингни ўрганишнинг мавжуд усуллари камчиликларга эга ва ҳар доим ҳам шифокорларни қониқтирмайди. Буларнинг барчаси тадқиқотчиларни цереброваскуляр захира ва нейромониторингни ўрганишнинг янги усулларини излашга ундайди. Нисбатан ёш усул бўлган бош мия оксиметрияси аллақачон ўзини цереброваскуляр захирани ўрганиш ва бош мия пўстлоғининг кислород ҳолатини кузатишнинг янги, тежамкор, фойдаланиш учун қулай, ноинвазив усули сифатида намоён қилди. Умуман ижобий баҳо олган ва ўзини брахиоцефал артериялар ва кардиохирургик ташрихлар пайтида нейромониторинг таркибида ёрдамчи восита сифатида ўз тасдиғини топган ушбу усулнинг цереброваскуляр захирани ташрихдан аввал текширишда имкониятларини ҳали очиб берилмаган⁹. Ушбу патологияда вақтинчалик интраартериал шунтни қўллаш ҳақидаги фикрлар ҳам мунозарали. Каротид эндартерэктомиянинг асосий босқичида бош мияни ҳимоя қилишнинг энг оддий ва самарали усули вақтинчалик интраартериал шунт ҳисобланади. Бироқ, уни қўллаш бир қатор мавжуд камчиликларга эга: тўқима ва ҳаво эмболияси хавфи, уйқу артерия интимасининг қаватланиши, жаррохлик амалиёти вақтининг чўзилиши. Баъзи муаллифлар мунтазам равишда вақтинчалик интраартериал шунтдан фойдаланадилар; бошқалар, уйқу артериясининг критик стенози ёки окклюзияси мавжуд бўлган ҳолатларда ҳам, бошқа томондан, бош мия қон билан таъминлашининг коллатерал йўллариининг етарли даражада ривожланишини ҳисобга олган ҳолда, ҳатто ички уйқу артерияларининг критик икки томонлама зарарланишида ҳам, шунтлардан фойдаланишмайди; кўпчилик муаллифлар эса мавжуд кўрсатмаларга кўра шунтлардан танлаб фойдаланадилар. Шу билан бирга, ташрихнинг асосий босқичида вақтинчалик интраартериал шунтни қўллаш мақсадга мувофиқлиги ҳақида ишончли далиллар йўқ. Ҳатто краниал магистрал артерияларидан бирининг жиддий шикастланиши ҳам яхши коллатерал қон айланиши мавжудлигида ҳар доим ҳам бош мия ишемиясига олиб келавермайди¹⁰. Шунинг учун вақтинчалик интраартериал шунтни ўрнатиш учун кўрсатмалар ва уни каротид жаррохлигида қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги мунозарали бўлиб қолмоқда ва кўшимча тадқиқотларни талаб қилади. Шундай қилиб, «ҳал қилинмаган масалалар аорта ёйи тармоқларининг эквивалент стеностик зарарланишида хирургик

⁸Jovanovic A., Jonsson M., Roy J., Eriksson J., Mutavdzic P., Trailovic R., Koncar I. Comparison of methods for monitoring of intraoperative cerebral perfusion in patients undergoing carotid endarterectomy with selective shunting – a systematic review and network meta-analysis of randomized controlled trials and cohort studies // European Journal of Vascular & Endovascular Surgery, 2022 Aug; <https://doi.org/10.1016/j.ejvs.2022.08.025>.

⁹Boas D.A., Elwell C.E., Ferrari M., Taga G. Twenty years of functional near-infrared spectroscopy: introduction for the special issue // J. NeuroImage, 85 (2014): 1-5.

¹⁰Кужугет Р.А., Карпенко А.А., Каменская О.В., Игнатенко П.В., Стародубцев В.Б. Эффективность и безопасность временного шунтирования при каротидной эндартерэктомии // Ангиология и сосудистая хирургия. - 2017. – Т. 23, №1. – С. 117-123.

аралашув тури (очик ёки эндоваскуляр), реваскуляризация қилиш томонлари ва босқичларини танлаш билан боғлиқ; жаррохлик амалиёти пайтида вақтинчалик артерия ичи шунтидан фойдаланишнинг операциядан олдин башорати борасида ноаниқлик сақланиб қолмоқда» (Latacz P¹¹).

Брахиоцефал артерияларнинг кўплаб зарарланишларини хирургик даволаш муаммоси бўйича жаҳон адабиётининг таҳлили хирургик тактикага ягона ёндашувнинг йўқлиги, турли хил аралашув турини танлаш (каротид эндартерэктомия ёки стентлаш), уларни амалга ошириш муддатлари ва босқичларида фарқланишлар мавжудлигини кўрсатди, шунингдек, бош миянинг ишемияга нисбатан паст ва критик толерантлиги бўлган беморларни даволаш тактикасига оид саволлар ҳам очиқлигича қолмоқда. Уйқу артерияларини реваскуляризация қилишнинг янги усулларини жорий этиш, брахиоцефал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик зарарланишларида стандартлаштирилган диагностика протоколларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ташрих вақтидаги ва ундан кейинги асоратларни олдини олиш бўйича терапевтик чора-тадбирларни оптималлаштириш даволаш натижаларини яхшилашга ёрдам беради. Шундай қилиб, брахиоцефал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик зарарланишларида хирургик даволаш тактикаси масаласи долзарб бўлиб, замонавий қон томир хирургиясида охиригача ҳал этилмаган муаммо ҳисобланади, хусусан мукамал ўрганиш ва янги тавсияларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий ишлари режасига мувофиқ «Одамнинг хирургик касалликлари диагностикаси ва даволашда янги технологияларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш» мавзуси доирасида бажарилган (2018-2023 й.).

Тадқиқотнинг мақсади брахиоцефал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик зарарланишлари бўлган беморларда хирургик аралашувлар ҳажми ва босқичларини аниқлайдиган кўп омилли ёндашувни ишлаб чиқиш орқали ташхислаш ва даволаш натижаларини яхшилаш ҳамда ташрих вақтида юзага келадиган ишемик инсульт ва ўлим кўрсаткичлари частотасини камайтиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

брахиоцефал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик зарарланишларида хирургик аралашувларга тайёрлаш ва амалга оширишнинг асосий усулларини аниқлаш;

даволаш тактикасини аниқлаш учун ташрихдан олдинги даврда церебрал оксигенацияни мониторинг қилишнинг прогностик аҳамиятини баҳолаш;

ташрихдан олдинги даврда цереброваскуляр захирани баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва ушбу мезонлар асосида ташрихдан олдин махсус тайёргарликка муҳтож беморларни аниқлаш;

¹¹Latacz P., Simka M., Brzegowy P., Janas P., Kazibudzki M., Pieniążek P., Mrowiecki T. Patient- and lesion-tailored algorithm of endovascular treatment for arterial occlusive disease of extracranial arteries supplying the brain: safety of the treatment at 30-day follow-up // Postępy Kardiologii Interwencyjnej. 2021; 13(1): 53-61.

брахиоцефал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик зарарланишлари бўлган беморларда бош мия кортикал қисмлари оксигенациясининг ўзгаришлари қонуниятларини аниқлаш;

каротид эндартерэктомия вақтида Матас синамасидан фойдаланган ҳолда бош миянинг ишемияга толерантлиги изоляцияли баҳоланган беморларда бош мияда юзага келадиган ишемик ҳодисаларнинг частотасини аниқлаш;

интракраниал томирлардаги окклюзив-стенотик ўзгаришларнинг энг кенг тарқалган шакллари ҳамда бош мия қон айланишининг компенсациясига таъсир қилувчи Виллизий ҳалқаси зарарланишларининг муҳим вариантларини аниқлаш;

церебрал оксиметриянинг асосий кўрсаткичлари ва Виллизий ҳалқаси зарарланишларининг турли хил вариантлари ўртасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлаш;

брахиоцефал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик зарарланишларида даволаш-тактик алгоритмни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2016-2022-йилларда Республика ихтисослаштирилган хирургик ангионеврология маркази ва Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасида стационар даволанган, брахиоцефал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик шикастланишлари бўлган 422 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети брахиоцефал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик зарарланишлари бўлган беморларни даволашда ишлаб чиқилган ташхисот ва даволаш алгоритмидан фойдаланган ҳолда хирургик тактика самарадорлигини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник (лаборатор, биокимёвий), инструментал (ультратовуш текшируви, доплерография, церебрал оксиметрия), нур-ташхисот (МСКТ ва МРТ), ангиографик, махсус (ҳолатни баҳолаш учун интеграцияланган тизимлар) ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

брахиоцефал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик зарарланишлари бўлган беморларда церебрал оксиметрия маълумотларининг Виллизий ҳалқасининг турли хил шикастланишлари билан корреляцион боғлиқлик даражаси аниқланган;

церебрал оксиметрия ва функционал зўриқиш синамалари давомида артериал қон босимининг ўзгариши бош мия кортикал қисмларининг оксигенация кўрсаткичлари динамикасига таъсир қилмаслиги аниқланган;

ташрихдан олдинги функционал ва зўриқиш синамаларини ўтказиш пайтида бош миянинг кислород билан тўйинганлиги 45% дан кам ва ёки бошланғич қийматлардан 20% дан кўпроқ пасайиши уйқу артериясини қисиш вақтида хирургик амалиёт вақтида инсулт ривожланишининг предиктори эканлиги аниқланган;

брахиоцефал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик зарарланишларида ишемик инсулт эҳтимолини ва амалиёт вақтида вақтинчалик артерия ичи

шунтидан фойдаланиш заруратини баҳолашга қаратилган миянинг ишемияга толерантлигини башорат қилиш ва дифференциал даволаш усули ишлаб чиқилган;

уйқу артерияларининг тотал атеросклеротик зарарланишларида, бир босқичда очик анъанавий хирургик даволаш усули ҳамда эндоваскуляр аралашувни қўллашни назарда тутувчи гибрид ёндашув билан тавсифланадиган хирургик даволаш усули такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

брахиоцефал артерияларда хирургик амалиёт ўтказиладиган беморларда ташрихдан аввалги текширувнинг мажбурий компоненти сифатида церебрал оксиметрияни клиник амалиётга тадбиқ этиш мақсадга мувофиқлиги аниқланган;

брахиоцефал артерияларнинг кўплаб зарарланишлари бўлган беморларда ташрихдан аввалги даврда цереброваскуляр захирани баҳолаш учун транскраниал дуплекс сканерлаш билан биргаликда церебрал оксиметрияни қўллаш усули таклиф қилинган;

брахиоцефал артерияларнинг кўплаб зарарланишларида бош миёда қон айланишининг компенсацион имкониятларини баҳолаш учун транскраниал дуплекс сканерлаш ва церебрал оксиметрияни бир вақтда қўллаш орқали гибрид тасвирни қўллашнинг афзалликлари очиб берилган;

бош миёнинг гипоксияга чидамлилигини ошириш учун ташрихдан аввалги махсус тайёргарликка муҳтож беморларни аниқлашга қаратилган цереброваскуляр захирани баҳолаш мезонлари аниқланган;

брахиоцефал артерияларнинг кўплаб зарарланишларида бош миёнинг интраоперацион гипоксияга чидамлилигини тахмин қилиш ва ташрихларнинг босқичлилиги, томони ва ҳажмини аниқлаш имконини берадиган даволаш-тактик алгоритми ишлаб чиқилган;

уйқу артерияларининг тотал атеросклеротик зарарланишларини хирургик даволашнинг ишлаб чиқилган усули даволаш самарадорлигини ошириш, реконструкция қилинган умумий ва ички уйқу артерияларида рестенозлар ва окклюзиялар сонини камайтириш, шунингдек, бош миёда қон айланишининг ўткир бузилишларини камайтириш имконини бериши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари, услубий ёндашувлар ва статистик таҳлиллар мажмуаларини тўғри қўлланилиши, диссертацияда кўриб чиқилган муаммоларни ҳал қилишда брахиоцефал артерияларнинг кўплаб зарарланишлари бўлган беморларни ташхислаш ва хирургик даволаш усулларига замонавий илмий-амалий тушунчалар ва ёндашувларга асосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва берилган тавсиялар назарий аҳамиятга эга бўлиб, брахиоцефал артерияларнинг кўплаб зарарланишлари бўлган беморларни ташхислашнинг клиник ва инструментал усуллари тамойиллари, церебрал оксигенация ҳолати

ва динамикаси, бош миянинг ишемияга паст ва критик толерантлик даражасини ошириш йўллари ўрганиш, шунингдек ишемик инсульт эҳтимолини камайтириш учун вақтинчалик артерия ичи шунтлаш амалиётини қўллаш учун кўрсатмалар ҳақидаги мавжуд тушунчаларни кенгайтиришга муҳим ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар асосида брахиоцефал артерияларнинг кўплаб зарарланишлари бўлган бош миянинг ишемияга толерантлиги паст ва критик бўлган беморларни ташхислаш ва хирургик даволашнинг тактик-техник жиҳатларини оптималлаштиришга, унинг натижасида ташрих вақтида бош миянинг ишемик ҳодисалари хавфи, ташрихдан кейинги эрта ва кечки даврда қониқарсиз натижаларнинг частотасини камайтиришга, шунингдек, шифохонада қолиш муддатини қисқартиришга ва ишемик инсультнинг профилактикасини яхшилашга имкон берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Брахиоцефал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик зарарланишлари бўлган беморларга кўрсатиладиган юқори технологик хирургик ёрдам сифатини яхшилаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

“Брахиоцефал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик зарарланишларида амалиётдан олдинги даврда бош миянинг ишемияга чидамлилигини башорат қилиш ва дифференциал даволаш усули” ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 2022 йил 15 октябрдаги IAP 07153-сонли ихтиро учун патенти). Таклиф этилган усул ташрихдан олдинги даврда бош миянинг гипоксияга чидамлилигини ошириш учун махсус тайёргарликка муҳтож, бош миянинг ишемияга толерантлиги паст ва критик бўлган беморларни аниқлаш имконини берган;

“Уйқу артерияларининг тотал атеросклеротик зарарланишларида хирургик даволаш усули” такомиллаштирилган (Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 2022-йил 15-октябрдаги IAP 07131-сонли ихтиро учун патенти). Таклиф этилган усул уйқу артерияларининг дастлабки анатомиясини сақлаш, умумий ва ички уйқу артерияларида қон оқимининг гемодинамик жиҳатдан аҳамиятли бузилишларини бартараф этиш, бу эса асоратлар сони ва хирургик амалиёт вақтида ишемик инсульт ривожланиш хавфини камайтиришга имкон берган;

экстракраниал артерияларнинг атеросклеротик зарарланишларида церебрал оксиметриянинг аҳамиятини асослаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган “Экстракраниал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик зарарланишлари мавжуд бўлган беморларни ташхислаш ва даволашда церебрал оксиметриянинг ўрни” номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 14 февралдаги 08-03609-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар вақтинчалик артерия ичи шунтидан фойдаланиш частотасини камайтириш имконини берган;

каротид реконструкция амалиётидан кейин беморларни реабилитацияси дастурини оптималлаштириш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган “Сурункали бош мия қон айланиши етишмовчилиги бўлган

беморларни каротид реконструкция амалиётидан кейинги комплекс реабилитацияси” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 14 февралдаги 08-03609-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар беморларни ташрихдан кейинги даврда, айниқса, хирургик амалиёт даврида ишемик инсультга учраган беморларни олиб бориш тактикасини такомиллаштириш имконини берган;

брахиоцефал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик зарарланишлари билан оғриган беморларни ташхислаш ва хирургик даволаш сифатини ошириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлашнинг амалий фаолиятига, хусусан, У. Холмурадов номидаги Республика кўп тармоқли тиббиёт маркази (Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси), Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган ва Тошкент вилоятлари филиалларининг хирургия бўлимларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 14 февралдаги 08-03609-сон маълумотномаси). Брахиоцефал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик зарарланишлари бўлган беморларни хирургик даволашнинг даволаш-тактик жиҳатларини такомиллаштириш ташрихдан кейинги даврда бош миянинг ишемик ҳодисалари частотасини 6,7% дан 4,7% гача, шунингдек, ушбу асоратлардан ўлим даражасини 0,8% дан 0,2% гача пасайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 195 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, объектлар ва предметлар тавсифланади, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб ўтилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тақдим этилади, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этилганлиги очиб берилади, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилади.

Диссертациянинг биринчи **«Брахиоцефал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик зарарланишлари. Муаммолар ва истиқболлар»** номли

бобида брахиоцефал артерияларнинг (БЦА) кўплаб атеросклеротик зарарланишларида эпидемиология, этиопатогенез, текшириш усуллари ва хирургик даволаш тактикаси масалаларига бағишланган адабиётлар шарҳи келтирилган. БЦА нинг кўплаб атеросклеротик зарарланишлари учраши бўйича турли муаллифларнинг маълумотлари келтирилган. Бобда гемодинамика, Виллизий айланасининг тузилиши, бош миянинг церебрал перфузион захираси ва атеросклеротик пиллакчаларнинг (АСП) тузилишини ўрганишнинг замонавий усуллари, жумладан, дуплекс сканерлаш (ДС), магнит-резонанс томография (МРТ), позитрон-эмиссион томография (ПЭТ), МСКТ текширув усуллари ёритилган. БЦА нинг кўплаб атеросклеротик зарарланишларида бош миянинг ишемияга толерантлигини аниқлаш усуллари батафсил келтирилган. Ушбу бобда, шунингдек, каротид реконструкция пайтида бош мияни хирургик амалиёт пайтида ҳимоя қилиш усуллари тасвирланган.

Иккинчи боб **«Материалнинг ва қўлланиладиган тадқиқот усуллари**нинг клиник тавсифи» беморларнинг тавсифи, шунингдек, қўлланиладиган тадқиқот усуллари бағишланган. Тадқиқотга 2016 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда Республика ихтисослаштирилган хирургик ангионеврология маркази ва Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасида стационар шароитда даволанган БЦА нинг кўплаб атеросклеротик зарарланиши билан оғриган 422 нафар бемор киритилди. Беморлар икки гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳ (назорат гуруҳи) – симптоматик томон ёки стенознинг юқори даражаси томонини танлашга асосланган стандарт тактикага мувофиқ икки томонлама уйқу артерияларида босқичма-босқич реконструктив операциялари ўтказилган 120 нафар бемордан ташкил топди. 2-гуруҳга (асосий гуруҳ) – ишлаб чиқилган усуллар ва даволашнинг даво-тактик алгоритми асосида 418 та очик, гибрид ва/ёки эндоваскуляр жарроҳлик аралашувлар амалга оширилган 302 нафар бемор киритилди. Иккала гуруҳда ҳам эркак беморлар устунлик қилди, улар назорат гуруҳида 89 (74,2%) ва асосий гуруҳда 207 (68,5%) нафарни ташкил этди. Иккала гуруҳдаги аёлларнинг умумий сони 126 нафарни (29,9%) ташкил этди. Ушбу тадқиқотда фақат битта уйқу артериясининг изоляцияланган шикастланишлари ҳисобга олинмади. 422 (100,0%) беморнинг 214 (50,7%) нафари анамнезида ишемик инсульт ўтказган. Иккала гуруҳдаги беморлар ёши, жинси, сурункали бош мия қон айланиши етишмовчилиги (СБМҚАЕ) босқичлари, коморбидлик табиати ва каротид реконструкция турлари бўйича статистик жиҳатдан таққосланадиган эди.

Диссертациянинг учинчи бобида **«Брахиоцефал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик зарарланиши бўлган беморларни ташхислаш ва даволашнинг анъанавий усуллари натижаларини таҳлил қилиш (назорат гуруҳи)»** БЦА нинг кўплаб зарарланишлари бўлган назорат гуруҳидаги беморларни текшириш ва даволаш натижалари келтирилган (38 ёшдан 86 ёшгача бўлган 120 нафар бемор (ўртача ёши $66,2 \pm 9,54$ ёш)). Назорат гуруҳидаги беморлар учун жарроҳлик амалиётларининг қуйидаги босқичли тактикаси қўлланилди: СБМҚАЕ III даражаси бўлган 36 (30%) беморларда биринчи босқичда стенознинг юқори даражаси бўлган томонда каротид

эндартерэктомия (КЭАЭ) ўтказилди; СБМҚАЕ II ва IV даражаси бўлган беморларда эса биринчи босқичда каротид реконструкция амалиёти стеноз даражаси ва қарама-қарши томонда эмбологен пиллакчанинг табиатидан қатъий назар, ишемик инсульт ёки ТИА содир бўлган каротид хавзада ўтказилди. Шундай қилиб, 16 (13,3%) нафар бемор бош миянинг транзитор ишемияси белгилари билан мурожаат қилган ва 68 (56,7%) бемор анамнезида турли даврларда ишемик инсульт ўтказганлиги қайд этилган. Шу муносабат билан, симптоматик каротид бассейнида 84 (70%) бирламчи каротид реконструкцияси амалга оширилди (1-жадвал). Қарама-қарши томонда жарроҳлик амалиёти беморнинг мурожаатига боғлиқ равишда амалга оширилди, бу анча кенг муддатни ташкил этиб, 2 ҳафтадан 4 йилгача давом этди (1-расм).


1-жадвал

Назорат гуруҳидаги беморларда ўтказилган босқичли жарроҳлик амалиётлари турлари

Каротид реконструкция турлари	1-босқич		2 - босқич		Жами	
	абс.	(%)	абс.	(%)	абс.	(%)
Классик усул КЭАЭ ямоқ қўйиш амалиёти билан	83	69,1%	96	80,0%	179	74,6%
Эверсион усулда КЭАЭ	11	9,2%	24	20,0%	35	14,6%
ИУА резекцияси ва боғлаш, УУА, ТУА ва унинг тармоқларини ЭАЭ ямоқ қўйиш амалиёти билан	23	19,2%	-	-	23	9,6%
ИУА дан тромбэндарттерэктомия ямоқ қўйиш амалиёти билан	3	2,5%	-	-	3	1,2%
Жами	120	100,0%	120	100,0%	240	100,0%

Беморларни жарроҳлик даволаш натижалари қуйидаги кўрсаткичлар бўйича баҳоланди: клиник самарадорлик, гемодинамик самарадорлик, терапевтик самарадорлик (когнитив функциялар динамикаси), неврологик асоратлар ва ўлим.

Умуман олганда, назорат гуруҳидаги беморларда БЦА нинг кўплаб атеросклеротик зарарланишларини жарроҳлик йўли билан даволаш натижалари яқин ва узоқ муддатли даврда ижобий натижаларни кўрсатди. Бироқ қониқарсиз натижалар ҳам бўлиб, улар батафсил кўриб чиқилиб, тўлиқ таҳлил қилинди.



1-расм. Назорат гуруҳидаги беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш тактикаси алгоритми.

Тахлил натижалари шуни кўрсатдики, бир (0,4%) ҳолатда чап ички уйқу артериясини (ИУА) стенозловчи пиллакча эмбологен бўлиб, ишемик инсультни келтириб чиқарди. Беморнинг КЭАЭ нинг иккинчи босқичига кеч мурожаат қилиш омили ҳам бор эди, ушбу ҳолатда бу 4 ойгача чўзилиши кузатилди. 3 нафар ҳолатда (1,3%), ишемик инсультнинг сабаби бош миянинг паст перфузион захираси бўлди. Чунки бош суяги туби артерияларининг узлуклилиги туфайли бош мия перфузиясини орқа турдаги коллатерал компенсацияси самарасиз бўлиб чикди. Бир (0,4%) беморда ушбу ҳолатда БМҚАЎБ ва ўлим сабаби контралатерал томоннинг эрта каротид

эндартерэктомияси бўлиб, бу гиперперфузион синдромнинг ривожланишига олиб келди. Гиперфузион синдроми, ўз навбатида, доимий артериал гипертензия фонида, геморрагик инсультни келтириб чиқарди. Бошқа бир (0,4%) ҳолатда ўлим сабаби каротид реконструкциясининг иккинчи босқичидан кейин ривожланган икки томонлама ишемик инсульт (ИИ) бўлди. Операциядан кейинги эрта даврда ИУАнинг тромбози юзага келди. Асоратлар орасида бош мия нервларининг икки томонлама дисфункциясининг 3 (1,3%) ҳолати қайд этилди. Ушбу ҳодисалар вақтинчалик характерда бўлди (давомийлиги 3 ҳафтагача), бинобарин бунинг сабаби каротид реконструкциялари орасидаги қисқа муддат (20 кундан 1 ойгача) мавжудлиги бўлди. Беморларни босқичма-босқич жарроҳлик йўли билан даволашнинг қониқарсиз натижалари таркибини таҳлил қилиш 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Назорат гуруҳида қониқарсиз натижаларнинг тузилиши

№	(n)	1-босқич	2-босқич (ИИ)	Леталлик	Асоратларнинг сабаби
1.	1	-	+	0	Кечиктирилган мурожаат (4 ой)
2.	3	-	+	0	БМ нинг ишемияга нисбатан паст толерантлик
3.	1	-	ГИ	1	2 босқич учун қисқа муддатлар
4.	1	-	+	1	КЭАЭ дан кейин тромбоз (билатерал ИИ)
Жами	6 (2,5%)	-	3 (1,3%)	2 (0,8%)	
1.	3	+	+	0	Икки томонлама БМН дисфункцияси
2.	2	-	+	0	Гиперперфузия синдроми
3.	1	-	+	0	Икки томонлама каротид синус денервацияси синдроми

Шундай қилиб, БЦА нинг кўплаб зарарланишлари бўлса, реконструкция қилиш тартибини аниқлаш, улар орасидаги вақтинчалик интерваллар уларни чуқур таҳлил қилишни талаб қилади ва янги ишланмалар ишлаб чиқиш лозимлигини кўрсатади. БЦА нинг кўплаб зарарланишларида атеросклеротик пиллакчаларнинг эмболияси ва беморнинг иккинчи босқич учун кечиккан мурожаати ишемик асоратларнинг келиб чиқишида асосий сабабларидан бири ҳисобланади. КЭАЭ жарроҳлик амалиёти пайтида келиб чиқадиган инсульт кўпинча бош миянинг ишемияга паст ёки критик толерантлиги туфайли ривожланади. Муҳим лаҳзалардан бири бу қарама-қарши томондан операция қилиш учун оптимал муддатни аниқлашдир, чунки эрта жарроҳлик амалиёти пайтида БМҚАЎБ ва ўлим сабаби контралатерал томоннинг эрта КЭАЭ бўлиши

мумкин, бу гиперперфузион синдромнинг ривожланишига олиб келади. Гиперфузион синдроми, ўз навбатида, артериал гипертензия синдроми фонида геморрагик инсулт ва ўлимни келтириб чиқарувчи омили бўлиши мумкин.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Брахеоцефал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик зарарланиши бўлган беморларни текшириш ва жарроҳлик даволаш натижалари (асосий гуруҳ)**» БЦА нинг кўплаб атеросклеротик зарарланишлари бўйича операциялар ҳажми, тайёргарлик ва босқичларини аниқлашнинг такомиллаштирилган усулини ишлаб чиқишга бағишланган. Асосий гуруҳни 302 нафар бемор ташкил этди.

Асосий гуруҳдаги беморларда каротид реконструкция босқичларини аниқлаш учун каротид зарарланишларнинг ифодаланиш даражасини аниқлаш тактикасига амал қилинди, бу қуйидаги текширув режасини ўз ичига олади: ҳар иккала каротид ҳавзаларда стеноз даражаси, АСБ нинг табиати, тури, давомийлигини аниқлаш (эмбологенликни аниқлаш билан); Виллизий айланасининг анатомик тузилишини ўрганиш, бош суяги асоси артерияларининг функционал ҳолати, бош миянинг ишемияга толерантлиги ва бош мия перфузион резервини аниқлаш орқали ҳар иккала каротид ҳавзаларида гемодинамикани ўрганиш; КТ ва МРТ ёрдамида бош мия ярим шарлари ҳолатини ўрганиш (ишемик ўчоқларнинг мавжудлиги, уларнинг ҳажми ва миқдорини аниқлаш); беморларнинг неврологик ҳолатини баҳолаш: анамнездаги ишемик инсулт сони, уларнинг давомийлиги, текширув вақтида неврологик танқислик ва когнитив бузилишлар ҳолати. 302 бемор ДС ва МСКТА натижаларига кўра, стеноз даражасига қараб, қуйидаги кичик гуруҳларга бўлинган (3-жадвал).

3-жадвал

Беморларда уйқу артерияларининг атеросклеротик зарарланишлари бўйича тақсимланиши

№	Кичик гуруҳлар	абс.	%
I.	Ипсилатерал ИУА окклюзияси + КУА стенози 70-99%	33	10,9
II.	Ипсилатерал ИУА окклюзияси + КУА стенози 55-69%	26	8,6
III.	Ипсилатерал ИУА стенози 70-99% + КУА стенози 70-99%	79	26,1
IV.	Ипсилатерал ИУА стенози 70-99% + КУА стенози 55-69%	109	36,1
V.	Ипсилатерал ИУА стенози 55-69% + КУА стенози 55-69%	51	16,9
VI.	Иккала томонда ИУА окклюзияси	4	1,3
Жами		302	100

Ипсилатерал (ИВА) ва контрлатерал (КВА) вертебрал артерияларнинг турли даражадаги атеросклеротик шикастланишлари бўлган беморлар сони 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

**Вертебрал артериялар стенозининг табиати ва ҳажмига кўра
беморларнинг тақсимланиши**

	КВА стенозисиз	КВА стенози <70%	КВА стенози >70%	КВА окклюзияси	Жами беморлар
ИВА стенози <70%	35	29	3	0	67
ИВА стенози >70%	18	13	11	0	42
ИВА окклюзияси	21	22	18	17	78
Жами беморлар	74	64	32	17	187

Беморларда физиологик зўриқиш синамалари ўтказилганда rSO_2 нинг биров ўзгаришлари аниқланди: ИУА нинг 70% дан кам ёки 70% ва ундан кўп монолатерал стенози бўлган беморлар учун rSO_2 нинг бош мия ярим шарлари ассиметрияси кўпроқ хос ($p < 0,05$). Шуни таъкидлаш керакки, тинч ҳолатда, ҳатто ИУА нинг ифодаланган стенозида ҳам, rSO_2 қийматлари меъерий қийматлар чегарасида бўлиши мумкин. ИУА стенози 50 дан 70% гача бўлган беморларда физиологик зўриқишларда ҳам rSO_2 қийматлари меъерий қийматлар чегарасида сақланиб қолди (5-жадвал).

5-жадвал

Церебрал оксиметрия ўтказилган беморлар гуруҳларининг тавсифи

Кўрсаткич	I гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ	IV гуруҳ	V гуруҳ
rSO_2 камроқ стеноз томонида	64,3±5,1	62,7±5,9	63,6±7,0	61,8±6,3	60,8±6,5
rSO_2 кўпроқ стеноз томонида	63,1±5,5	61,0±7,2	62,7±5,6	61,1±6,4	59,9±4,9
rSO_2 (КС да) камроқ стеноз томонида	62,4±4,8	60,2±5,5	62,3±5,9	60,8±6,1	58,7±6,8
rSO_2 (КС да) кўпроқ стеноз томонида	62,8±6,2	59,8±6,4	61,8±4,9	59,6±7,2	56,4±7,3
ΔrSO_2 камроқ стеноз томонида	1,3±0,8	3,1±1,4	4,4±2,0	5,6±2,5	7,2±3,3
ΔrSO_2 кўпроқ стеноз томонида	1,1±0,7	2,5±1,6	2,9±1,7	6,4±2,9	8,1±3,6
Ўртача АҚБ	102,9±19	103,1±14	103,7±12	106,5±14	101,6±17
ЮҚС	63,1±27	61,8±28	62,0±23	63,3±28	62,6±24
НОС	18±3	18±2	20±3	19±3	20±2
SpO ₂	97±3	96±4	98±2	97±3	96±4


Компрессион синама (КС) ўтказилган беморларда rSO_2 нинг динамикада хронологик таҳлили аксарият ҳолларда rSO_2 кўрсаткичининг пасайганлиги вақтинчалик хусусиятга эга эканлигини кўрсатди. I ва II гуруҳларда rSO_2 10-45 сония давомида минимал қийматларгача камайди, сўнгра КС тугагунига қадар rSO_2 қийматларининг меъёрий ёки уларга яқин кўрсаткичларга қайтиши қайд этилди (кейинги 30-60 сония ичида). Бошқа гуруҳларда rSO_2 қийматлари нисбатан тезроқ пасайиши кузатилди, қайта тикланиши эса I ва II гуруҳларга нисбатан анча секинроқ кечди, изоляцияланган ЦА стенозида rSO_2 қийматларининг тикланиши КС тугатилмасдан олдин умуман содир бўлмади.

Церебрал оксиметрия (ЦО) маълумотларига кўра, барча беморлар шартли равишда 3 тоифага ажратилди:

- ❖ 1-тоифа – бу ипси- ва контралатерал томонларда, тинч ҳолатда ва КС пайтида $rSO_2 >65\%$ бўлган беморлар. Жарроҳлик амалиёти пайтида бу беморларга вақтинчалик ички шунтни (ВИШ) ўрнатиш башорат қилинмайди. Ушбу тоифага 159 нафар бемор киритилди.
- ❖ 2-тоифа – бу КС билан ипсилатерал томонда rSO_2 қиймати 60-65% ва контралатерал томонда rSO_2 қиймати $>65\%$ бўлган беморлардир. Ушбу беморларга жарроҳлик амалиёти пайтида ВИШ нинг эҳтимол ўрнатилиши мумкинлиги башорат қилинди. Ушбу тоифага 98 нафар бемор киритилди.
- ❖ 3-тоифа – бу ипси- ва контралатерал томонларда, тинч ҳолатда ва КС пайтида $rSO_2 <60\%$ бўлган беморлар. Операциядан олдинги даврда бу беморларда ВИШ ўрнатилиши билан КЭАЭ жарроҳлик аралашуви даврида бош миянинг ишемияга нисбатан паст толерантлиги кузатилиши башорат қилинди. Ушбу тоифага 45 нафар бемор киритилди. Ушбу тоифадаги беморларга мақсадли равишда жарроҳлик амалиётдан олдинги тайёргарлик ўтказилди (бош мияда қон айланишини ва қон реологиясини яхшиловчи препаратлар, антигипоксантилар, церебропротекторлар, антикоагулянтлар, метаболиклар киритилган оптимал медикаментоз даволаш схемаси ишлаб чиқилди). Қабул қилинган терапиядан сўнг 7-10 кун ичида беморга ЦО қайта ўтказилди. Бинобарин, уларнинг 16 тасида (%) ЦО кўрсаткичларининг меъёрий қийматларгача тикланишига эришилди, бу КЭАЭ ни амалга ошириш жараёнида ўз тасдиғини топди.

ТКДС билан биргаликда ЦО нинг функционал ва зўриқиш синамалари маълумотлари асосида даволаш-тактик алгоритм яратилди (2-расм).

Ўрганилган 302 беморда 418 та жарроҳлик аралашуви амалга оширилди – 116 беморда жарроҳлик аралашувлари босқичма-босқич иккала томонда амалга оширилди (6-жадвал). Шунинг таъкидлаш керакки, операция давомида ИУА сегментар окклюзияси бўлган 6 беморда ИУАнинг ўтказувчанлигини қайта тиклашга муваффақ бўлинди. Жарроҳлик амалиётининг асосий босқичидан олдин БМ нинг ишемияга толерантлигини аниқлаш учун жарроҳлик ўтказилаётган томонида УУА ни уч дақиқали компрессияси синамаси (интраоператив Матас синамаси) ўтказилди. ИУА компрессияси давомийлиги 13 дан 44 минутгача, ўртача $21 \pm 4,3$ дақиқани ташкил этди.



2-расм. БЦАнинг кўплаб атеросклеротик зарарланишларида даволаш-тактик алгоритми.

**БЦА да амалга оширилган жарроҳлик аралашувлари
(очик, эндоваскуляр ва гибрид).**

Реконструкция турлари	1-босқич		2 - босқич		Жами	
	абс.	(%)	абс.	(%)	абс.	(%)
Классик усулда КЭАЭ ямоқ қўйиш амалиёти билан	231	76,5%	74	63,8%	305	73,0%
Эверсион усулда КЭАЭ	21	7,0%	19	16,4%	40	9,6%
ИУА резекцияси ва боғлаш, УУА, ТУА ва унинг тармоқларидан ЭАЭ ямоқ қўйиш билан	8	2,6%	9	7,8%	17	4,1%
ИУА дан тромбэндартер-эктомия ямоқ қўйиш билан	6	2,0%	-	-	6	1,4%
ИУА ни протезлаш	3	1,0%	-	-	3	0,7%
Гибрид жарроҳлик амалиёти (УУА ни стентлаш, УУА, ИУА ва ТУА эндартерэктомияси)	4	1,3%	-	-	4	0,9%
ИУА ни стентлаш	17	5,6%	12	10,3%	29	6,9%
ВА ни стентлаш	7	2,3%	2	1,7%	9	2,2%
ЎОА ни стентлаш	5	1,7%	-	-	5	1,2%
Жами	302	100,0%	116	100,0%	418	100,0%

